



КПСС Дастури лойиҳаси муҳокамада

Тўғри йўлдан ЧЕКИНМАЙМИЗ

КПССнинг янги Дастури лойиҳаси менга жуда маъқул бўлди. Мамлакатни иқтисодий ва маънавий инқироздан олиб чиқа оладиган куч бор эканлиги Дастурда яққол намойён бўлган. Унинг «Социализм, демократия, тараққиёт» деб номлангани ҳам кўп нарсадан далолат бериб турибди. Демак, баъзилар ўйлаганидек, биз жаҳонда энг инсонпарвар жамият — социализмни кўриш йўлидан чекинганимиз йўқ. Йўл қўйилган ҳаётларни тан олиб, умумбашар ривожланишининг асосий йўналишларини тўғри илғаб, шунга мос ҳаракат йўналишини ташлаш, дохилнинг васият қилганидек, мавжуд ижобий маънодаги назарий ва амалий фаолиятимизни ижодий ривожлантириш имконига эгамиз.

Шу нуқтанга назардан олиб қаралганда, Дастурдаги «Тарих саҳифалари» номли II бўлим ҳозирги давр талабларидан келиб чиқиб, ҳато ва камчиликларни ҳаққоний тан олинганини ифодаси деб ўйлайман. Чиқарилган хулосалар ҳам менимча жуда асосли. Унда жумладан, шундай дейилади: «... ҳар қандай вазиятда ҳам коммунистлар социализм билан демократияни ҳаммаорча боғлиқлиги қонундан ажратиб қўймасликлари, эълон қилинган мақсадларни одамларнинг ҳақиқий иқтисодий ва ижтимоий манфаатларидан ажратиб қўймасликлари керак...»

Бу фикрларга қўшилмай бўлмайди, албатта, Дастурда ҳаётимизнинг барча жаҳазларини ҳамраб олишга ҳаракат қилинган. Унинг янада ҳаётинроқ, жонлироқ бўлиши эса кўп жиҳатдан биз коммунистларга боғлиқ. Шу ўринда менинг ҳам бир тақлифим бор эди. «Маориф, фан ва маданият соҳаларида» қисмидаги «... истисно ҳолатларида давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш», жумладан кейин «... уларга чет мамлакатларда бўлиб олган имкониятни яратиб» сўзлари ёниб қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки мамлакат таъдирини етук мутахассисларга боғлиқ, Хориқиллардан ўрганилган нарсаларимиз эса ҳали анчагина.

Н. ЖУРАЕВ, КПСС аъзоси.

ФАХРИЙЛАРНИ УНУТМАЙЛИК

Одамлар қуруқ гапдан жуда чарчабди. Амалга ошмай қозғоладигани қилиб кетаётган ваъдалар эса худди «озик-овқат программаси»дек кўпчилигини энсансини қотирадиган бўлиб қолди. Ҳақ қилиниши керак бўлган муаммолар, таназуулга учраган иқтисодимизнинг бозор муносабатларига ўтаётгани сабабли юзага келган ташвишлар эса керагидан мўл. Бунинг устига етмиш йил адолатли ҳал қилиниб, деб мағрурланиб юрганамиз миллиятларо муносабатлардаги фожиалар, социализм учун ёт деб ҳисобланган ишсизлик масаласи... Буларнинг барчаси кўпчилигининг эртанги кунимиздан ҳақли равишда ташвишланишига сабаб бўлапти.

Эълон қилинган КПСС Дастурининг лойиҳаси билан танишар эканман, тўғриси, анчагина енгилдик ҳис қилдим. Гарчи ўзим партия аъзоси бўлмасам-да жамиятимиздаги муаммоларни ҳал қила оладиган етакчи сиёсий куч КПСС деб биламан. Лойиҳа билан танишар эканман, адашмаганимча иқдор бўлдим. Чунки Дастур барча маънавий даярлик тўлиқ ҳамраб олган. Диният билан ўзгариш ишларида битта нарса менида эътироз уйғотди. У ҳам бўлса «Тарих саҳифалари» бўлимида. Афроностов масаласига эътибор берилмагани бўлди. Ахир «афрон уруши» масаласи ҳам бугунги ҳаётимизнинг «огриқли дардларидан» бири-ку...

Умуман, уруш қатнашчиларини, фахрийларини ижтимоий ҳимоялаш ҳақида ҳам даярлик сўз юритилмаган. Менимча, «Яқин вақтлардаги мақсадларимиз» бўлимининг «Ижтимоий соҳада» деб номланган қисмидаги «аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ючор табақаларини...» жумлаларидан кейин «... уруш ноқиронлари ва қатнашчиларини...» сўзлари қўшиб қўйилса, Дастурнинг янада ҳаётий бўлишини таъминлаш имконияти туғиларди.

Р. МАМАСОЛИЕВ, байналмилалчи жангчи.

СССР ДАВЛАТ БАНКИДАН

СССР ДАВЛАТ БАНКИНИНГ 1992 ЙИЛ НУСХАСИДАГИ МЕТАЛЛ ТАНГАЛАРНИНГ МУВОЛАГА ЧИҚАРИШГА ТАНАЗУЛЛАШ ҲАҚИДА

СССР Давлат банкнинг хабар қилишича, СССР Давлат банкнинг 1992 йил нусхасидаги 1, 5, 10, 20, 50 тиғинлик, 1, 2, 5 сумлик металл тангаларини муволага чиқаришга таъйири қилинган. 1991 йил нусхасидаги шундай қиммат эга бўлган тангаларни нисбатан янги тангаларнинг текширилиш кўрсаткичлари ва шакли-шамойили ўзгаришлариди.

СССР Давлат банкнинг 1992 йил нусхасидаги металл тангаларини 1992 йилнинг бошларида чиқариш кўзда тутилмоқда ва бу иш «СССР Давлат банки тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ амалга оширилади. Тангаларнинг таъсири, уларни муомалага чиқаришнинг аниқ куни ва тартиби матбуотда қўшимча равишда эълон қилинади.

Ҳа, ҳозир иқтисодий қийинчиликлар бор. Уни ҳамма кўриб-билиб турибди. Лекин беҳуда шовиш-сурон кўтарган, қимматларнинг айбдор қилишга уринган билан биров бизга «очил дастурхон» бермайди, оғиримизни ўз елкасига олмайди. Танглидан чиққининг йўли битта: ошнча гандонликка берилмасдан, миш-мишлар гирдобда ўралашмасдан ўзимиз ташаббус кўрсатишимиз, ишбилармонлик йўлининг ўрганишимиз керак. Бугунги кунда эртасини ўйламаган одам ютқазиб қўяди. Яхши яшашмоқчимсан меҳнат қил, ер умрини

бекор ўтказма, ён-атрофингдаги дўст-қардошларинг билан алоқа боғла. Замон талаби ана шундай. Калинин районида ҳам худди шу йўлдан боришмоқда, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, озиқ-овқат маҳсулотлари узиллишига йўл қўймаслик, қишга тазбир-рўз гаиллаш бўйича ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Халқ депутатлари район Кенгаши раиси, район партия комитетининг биринчи котиби Жамил Жалилович МАЛИКОВ бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Районимиз шаҳар биқинида жойлашган, сабзавот ва чорвачиликка иқтисослаштирилган. Аҳолиси 137 миңдан кўпроқ. Шунча одамни боқиб, кайинтириш, эхтиёжларини қондириш керак. Улар коммунистлар ва депутатларга ишонилди. Демак, халқнинг ўзи сайлаган раҳбарларидан умиди катта. Айниқса, ҳозирги иқтисодий танглик пайтида баҳона эмас, имконият қидиришимиз зарурлигини ҳаммамиз тушуниб туришимиз.

Шунинг учун ўзимизда мавжуд бўлган бор имкониятлардан омиқкорлик билан фойдаланиш режаларини тузиб чиқдик. 1340 тонна боқоқли дон экилларини ўриб олдик, шундан 560 тонна бугдойни омиқорларга гаиллаб қўйдик. (Шунингдек четдан сотиб олган 500 тонна бугдойимиз ҳам бор). 470 гектар ўринга 800 гектарга кечки сабзавот экиллари экидик. Давлатга сотилган сабзавот маҳсулотлари миқдорини 58 миң уринга 65 миң тоннага етказмоқчимиз. Қишга 500 тонна турли хил тузулма маҳсулотлар тайёрлаб қўямиз.

Ички имкониятларимиздан яна бири—фермер хўжалиқларини жадал ривожлантиришдан иборат. Бизда ла шундай хўжалиқлардан 6 таси чорвачилик маҳсулотлари, битта сабзавот қўчалари, товуқ, жўна эштириши билан шугулланмоқда. «Бўбус», «Хаскво»даги фермер хўжалиқлари боллар боғчаларига чорвачилик маҳсулотларига етказиб беришмоқда. Бу ўринда

Пойтахтдаги Себзор мавзесининг катта-ю кичи аҳолиси Октябрь районидаги 19-пochта бўлимининг энг кекса почталови Қодир Боймановни сўйиб шундай аташди. Бу унинг маъмур соҳадаги кўп йиллик меҳнати, ўнлаб йиллар мобайнидаги одамлар билан мулоқотлар давомида синалган инсоний фазилатлари учун берилган энг юксак баҳоидир.

Олис 1933 йилда 17 ёшли йигитча Эски шаҳар бозори яқинида жойлашган 2-пochта бўлимига ишга киришга аҳд қилди. Бу ерда Тахтапўл кўчасидаги Тарновбошида маъмур почта филиалини очилиш тақдир қилинди. У рози бўлди ва шу тариқа 19-пochта бўлимининг асосчиси ва биринчи ходими бўлиб қолди.

Ғайратли йигит ушарда бошлқ вазифасини бажарар, сараловчилик, почталовилик, фаррошлик қил

«Қорасу» совхоз (директори А. Абдувалиев)даги фермер хўжалиги жамоасининг ибратли ишларини алоҳида таърифлаб ўтмоқчиман. Хўжалик 20 бош қорамол, 100 бош қўй сотиб олган эди. Ҳозир қўйлар сояи 190

Бироқ, банк уларга нақд пул бермайди, аввал қанча мол сотиб олганингизни тўғрисида расмий ҳужжат келтиринг, кейин шу пулни банк орқали ўтказамиз, деган талабни қўяди. Бозорга мол олиб чиққан одам нақд

чиқди. Шунинг учун биз аҳолини мол-қўй, парранда боқишга рағбатлантираемиз. Утган 1,5 йил ичида аҳолига 1976 бош наслдор буюв, 418 бош қўй, 484 бош чўча, 682 миңга жузга, 913 тонна аралаш ем, 581 тонна шўлка, 750 тонна кунжарга сотдик. Шунингдек хўжалиқлар ҳам ўз аъзоларига 4150 тонна дағал хашак, 425 тонна ширани озуна тарқатдик. «Наврўз» байрамида 21 та кам даромадли оилага 73 бош гунажин, ситир бепул берилди.

Халқимизда нима кўп, тўй-маърака кўп. Агар ҳисоб-кинони пухта қилмасангиз, ҳаммага керакли буюм, озиқ-овқат маҳсулотларини етказоламан. Биз тўй-маърака қилувчиларнинг эхтиёжларини маълум даражада қондириш мақсадида «Ёш оила» магазинига озиқ

ликни мустахкамлашдан тўриб, қийинчиликларни бартараф этиш мушкул. Шунинг назарда тутиб, район Кенгаши хўзаурида «Шарқ» кичик корхонасига ташкил этилди. Корхона Красноярскнинг Лесосибирский шаҳрида «Узбекистон» деб номланган магазинга эга. Биз қардошларимизга сабзавот маҳсулотлари юборамиз, улар эса ўз навбатида тахта-ёғочлар жуғайтади. Шу йўл билан у ердан, 1,5 миң куб метр қурилиш материаллари олиб келиди. Районимиз бўйича 4,5 миңдан зиёд қондоғи томирча бертағимиз. Лесосибирскийдан келаятган тахта-ёғочларнинг бир қисmini хўжалиқларга, бир қисmini Улўз Батаи уруши фахрийлари, ноғиронларига ажратилди.

Район Кенгаши хўзауридаги хўжалик ҳисобида иш

Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассислари колхозчи ва ишчилар эхтиёжларини қондириш йўлини муҳокама қилишмоқда.

Шу йилнинг иккинчи чорайи учун 92,3 тонна қанд, 19,2 тонна чой, 117,8 миң метр ип-газиллар, 11,4 миң жуфт қалинчи қолдик. Табиқийи, бундан кейин ҳам аҳвол яхши бўлмайди. Биз аҳоли эхтиёжларини таъминлаш мақсадида Хоразмдан 110 тонна, Қоразлоғистондан 53 тонна гуруч, бошқа вилоятлардан 500 миң тонна тухум, Тоғкентдаги «Наврўз» фирмасидан 10 тонна суюқ совун, «Электромпром» заводида 8 тонна суюқ кир ювиш воситаси, «Меҳнат» фабрикасида 300 миң сумлик дубоха ва парчадан тайёрланган парда ва дастурхонларни келишилган нархда олиб келиб, сотдик. Район матбуот жамияти Доғеңк вилояти билан 40 тонна кир ювиш порошок, 40 тонна хўжалик совуни, Қустайи билан 50 тонна гўшт маҳсулотлари, 50 тонна қуруқ сут, Уральск вилоятининг Урда район матбуот жамияти билан қорамол (25 тонна гўшт ҳисобида), Чимбой билан 50 тонна гуруч олиб келиш юзасидан шартномалар тузди. Приморье ўлкаси бизга 150 тонна баглиқ юборди.

Ҳозир районимизнинг 20 кишидан иборат вакили мамлакатимизнинг турли шаҳар ва вилоятларга жўнаиб кетди. Улар районга жўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа зарур шартномалар туздилар. Узимизда ишлаб чиқарилган консерва маҳсулотларини айри-бирлаш тарзида қардошларимизга юборамиз.

Хуллас, қидирса, изланса имконият топилади. Биз халқимизнинг эхтиёжларини янада яхшироқ қондириш учун барча имконият, воситалардан фойдаланамиз, қардошларимиз билан алоқаларимизни янада мустахкамлаймиз.

Сўзбедош: Э. ҚОСИМОВ.

ҚИДИРСА ИМКОНИЯТ ТОПИЛАДИ

Калинин районида аҳоли таъминотини яхшилашда оммалаштирса арзийдиган тажрибалар тўпланмоқда

бошга етди. Даромадлари ҳам яхши.

Районимизда деҳқончилик асосанчиси бор. Ассоциациянинг қишлоқ ва қўрғон Кенгашидаги вакиллари ассоциацияга аъзолар қабул қилди, уларга амалий ёрдам кўрсатади. Давлат бу ташкилотга 6 миллион 400 миң сум маблағ ажратган. Маблағ кичик корхоналар қуриш, чорва моллари сотиб олиш учун одамларга қарз бериш ва наби мақсадларга сарфланади. Лекин шу ўринда ҳамон ҳал бўлмаётган, обғимизга кишан бўлиб турган бир муаммо хусусида айтиб ўтмоқчиман. Маълумки, фермер хўжалиқлари қўпичча нақд пулга бозордан мол сотиб оладилар, бошқа илоқлари ҳам йўқ.

пулга ( албатта, ўзи хоҳлаган нархда) сотиш ўрнига пулни олиш учун идорама-идора овера бўлишга қўядимиз. Агар давлат маблағидан фермер хўжалиқларига мол сотиб олиш учун нақд пул беришнинг бирор-бир йўли топилганда, ишончимиз номиллик, бундай хўжалиқлар янада қўчаларини янада мўлроқ чорвачилик маҳсулотлари етиштирилари озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб яхшироқ қондирилари.

Районимизнинг 6 жойидаги дўноқларда гўшт кооптор нархда 11 сумдан, 7—8 та шахсий дўноқларда эса 15—18 сумдан сотилмоқда. Халқда бўлса—бозорга

овқат маҳсулотларини ҳам бердик. Одамлар тўйдан 10 кун олдин ўзларига керакли нарсаларини шу ердан сотиб олишди. Шунингдек халқ депутатлари қишлоқ ва қўрғон Кенгашига худуддаги битта магазинга тўй-маърака қилувчиларга хизмат кўрсатувчи бўлим очилди. Бу ерда озиқ-овқат маҳсулотлари маҳаллий Кенгашларнинг рухсат қозғи билан сотилди.


Мен юқорида ўз ички имкониятларимиз ҳақида гапирдим. Энди ташқи имкониятларимиз хусусида ҳам ички оғиз айтиб ўтмоқчиман. Маълумки, бугунги кунда қардош жумхуриятлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатмасдан, ҳамкор

юртаётган «Бўстон» фирмаси жумхуриятимиз ташқи ривидидаги шаҳар, вилоятлар билан бартар усулда (айрибошлаш) ҳамкорлик қилмоқда. Ҳозирчага фирма 42 та шаҳар, ташиқот билан алоқа ўрнатган. Болтиқбўйи жумхуриятларидан сарийёр Украинадан қанд-шakar, Чувашистон, Иркутск, Нурганси вилоятларидан 3 миң тоннадан зиёд қартоқча олиб келиди. Шунингдек, райондаги баъзи корхона ва ташиқотлар ҳам қардош жумхуриятлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, ўз ишчиларини эхтиёжларини қондиришмоқда. Масалан, Тошкент транспорт ишлаб чиқариш корхонаси шу йўл билан 300 тонна қартоқча олиб келиб, ўз ишчиларига сотди.

Хўзир районимизнинг 20 кишидан иборат вакили мамлакатимизнинг турли шаҳар ва вилоятларга жўнаиб кетди. Улар районга жўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа зарур шартномалар туздилар. Узимизда ишлаб чиқарилган консерва маҳсулотларини айри-бирлаш тарзида қардошларимизга юборамиз.

Хуллас, қидирса, изланса имконият топилади. Биз халқимизнинг эхтиёжларини янада яхшироқ қондириш учун барча имконият, воситалардан фойдаланамиз, қардошларимиз билан алоқаларимизни янада мустахкамлаймиз.

Сўзбедош: Э. ҚОСИМОВ.



МАТБУОТ ЖОНҚУЯРЛАРИ

«Ўзимизнинг Қодир ака»

лар, хуллас барча юмушларини бир ўзи удралашга улгурарди. Эрта тондан то кун қоронгусигача натта-кичик кўчалар бўйлаб, тупроқ кечиб, хат ва рўзномалар тарқатарди. Биринилган ҳудуд кўчалари эса анча кенг — миңга яқин ҳовли бор эди. Орадан йиллар ўтиб, рўзнома ва ойнамалар кўпроқ чоп этила бошлагани, бу ерда теле

граф ва телефон орқали гаплаганиш пункти очилгани муносабати билан хизмат қилувчи ходимлар сояи 6 кишига етказилди. Қодир ака ўз меҳнат фаолияти тафсилотларини ёдга олarkan, уруш йиллари кечмишларини, айниқса, ҳаяжон билан эслайдди. Тошкент темир йўл вокзалида тонгни тўхта улаб хат саралаганлари, ўз поч

тасидаги ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан оғир бўлган фаолияти... Мактубларни эгаларига вақтида элтиб беришдан кўра, фронтдан иштиқ ва илтиж билан дарак кутаётган оналар, келинлар ва фарзандларга уларнинг яқини ҳаролок бўлгани ҳақида хабар олиб келиш кўпроқ малол келарди. Уларни юпатиш, айрилиқ гуфсаси кемираёт

ган қалбларига таскин берувчи сўзлар топишга қийналиб, эъниб кетарди. «Осламас, ҳозир ҳам этим жунжикиб кетамди, томоғимга бир нима тикилиб қолаётгандек бўлади», — дейди Қодир ака.

Урушдан сўнг уйланди, тўрт фарзанд қўриб, уларни тарбиялаб, воёга етказди. Ҳозир фарзандларининг бари оилали, 9 невараси бор. Отахон ўз турмушидан ҳурсанд, унинг бирор нарсасдан нолиб гапирганини ҳеч ким кўрмаган, эшитмаган.

55 йилдан ошқ давр мобайнида бир шайда мўқим ишлаб келаятган Қодир ака кумати ҳамда муҳажидлар ўртасида эришилган келишувга биноан афрон томонини Ташрифовни овоз этиш эвазига 25 нафар оппозициячи қамоқхоналардан чиқариб юборишга керак. Исломбод меҳмонхоналаридан бирини овоз этишга бағишланган маъракада Н. Қозирев муҳажидларга миннатдорчилик изҳор этиди.

Қ. Бойманов Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлиги билан тақдирланган, меҳнат фахрийси. Пенсияга чиқаришга 15 йил бўлганига қарамай давузгача ўз севимли ишнинг тарқ этгани йўқ. «Ўрганганман, бусиз туролмайман» дейди отахон соддалик билан.

Қодир аканинг ҳамон ғайрати, кундалик ишда унча-мунча йигитларини орта қолдиради. Ахир, ҳар кун у уйна-уй юриб миңга яқин рўзнома-ю ойнамаларни, хат-хабарларни тарқатиб чиққининг ўзи бўлмайди-ку!

Хонадон соҳиблари узоқдан қўриб, унга пешовз чиқадилар, табассум билан кўришадилар: «Ассалому алайкум, Қодир ака!» Балки, ана шу самбият тўфайли ҳам у ўз каминият ардоқлаётгандир...

Р. АЛБЕКОВ. СУРАТДА: Қодир ака Бойманов янги рўзномаларини қабул қилиб олмақда. Муаллиф суратга олган.

БОЗОР БЎСАҒАСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши иқтисодий ислоқот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш янги комитетининг аъзолари ўзларининг биринчи мажлисларида республикамизнинг севимли-сеза бозор муносабатларига ўтиши билан боғлиқ муаммоларини муҳокама қилдилар. Мажлисини комитет раиси вазифасини бажарувчи Э. Н. Хўжаев олиб борди.

«Ўзбекистон ССРда ижара тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон ССРда аҳолини иш билан банд қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг лойиҳаларини батафсил муҳокама қилган комитет иккала лойиҳани матбуотда эълон қилиб, умумхалқ муҳокамасига қўйишга қарор қилди.

Комитет мажлисида Ўзбекистон ССР Давлат банки ва Уставининг лойиҳаси маъқулланди ва Ўзбекистон ССР Давлат банки бошқарувининг тартиби ва раҳбарларнинг лавозимлари маошлари тасдиқланди.

Депутатлар «Ўзбекистон ССРда хорижий сармоялар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуларини амалга ошириш юзасидан комитет тадбирларини кўриб чиқиб, тасдиқладилар. Мажлисда янги комитетнинг 1991 йил иккинчи яримдаги иш режалари тасдиқланди.

(ЎТАҒ).

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ЯХШИ НИЯТ ЙЎЛИДА

● ЯҚИНДА очиладиган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясида СССР билан Жанубий Корея жумхурияти ўртасида яхши қўшничилик ҳақида ҳамкорлик қилиш юзасидан шартнома тузиш бўйича музокаралар олиб борилди. Ҳар икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамаларининг раҳбарлари мазкур масала юзасидан бир-бирларини ўз нуқтанга назарларини тўғрисида бохабар қилдилар. Жанубий Корея ҳукумати манбаларига таялган Ренхан ахборот агентлиги юқоридаги хабарни тарқатди.

● ФРАНЦИЯДАН хунуқ хабар келди. Эроннинг сояи бош вазир Шохпур Бахтиёр ўзининг ҳашаматли саройида улик ҳолда топилди. У билан биргаликда унинг ерданчиси Котибек Фаллуш ҳам ўлдирилган.

● Ш. Бахтиёр шох Муҳаммад Ризо Паҳлавий томонидан тайинланган онг сўнги бош вазир эди. 1979 йил январда у мазкур лавозимга тайинлангач, ислом инқилобни тўхтатиш учун қўлидан келган барча ҳаракатларни қилди. Бироқ 39 кундан сўнг бошланган инқилоб шох тузумини ҳам, Бахтиёр ҳукуматини ҳам супуриб ташлади.

риқчи гуруҳга унинг ўғли — 1979 йилдан буён полиция разведка хизматига ишлаётган Ги раҳбарлик қилган.

Терговнинг аниқлашича, сояи бош вазир ҳамда унинг ерданчисининг жасадига қотилиш сояи бўлгандан сўнг 36 соат ўтгач топилган. Терговчилар қотилиш В. Аҳмадийин катта пул эвазига сотиб олиш натижасида амалга оширилган, деб ҳисобламоқдалар.

АСИРЛИКДАН — ОЗОДЛИККА

● 12 АВГУСТ кун эртаб Исломободда совет қарбий асир — 25 яшар тожик йигити Қўрбон Али Ташрифов асирликдан озод этилди. У етти йилдан буён асирликда азоб кечаятган эди. Муҳажидлар Қ. Ташрифовни СССР Ташқи ишлар вазирлигининг алоҳида ишлар бўйича вакили Николой Қозирев қўлига топширдилар.

Ахборот агентликларининг хабарига қараганда, Ташрифов 1984 йил апрелида Ҳирот вилоятида Афзалий гуруҳи томонидан асирликка олинган. Асирлик пайтида бомбардировка қолган, жароҳатланган ва бир кўздан айрилган. Совет Иттифоқи, Қобул ху

кумати ҳамда муҳажидлар ўртасида эришилган келишувга биноан афрон томонини Ташрифовни овоз этиш эвазига 25 нафар оппозициячи қамоқхоналардан чиқариб юборишга керак. Исломбод меҳмонхоналаридан бирини овоз этишга бағишланган маъракада Н. Қозирев муҳажидларга миннатдорчилик изҳор этиди.

● КЕИНИГИ кунларда Ливанда баъзи бир экстремист гуруҳлар томонидан ҳар хил даврда банди қилиб олинган Америка, Франция ва Англия фуқаролари бандликдан озод этилди. Шу муносабат билан Буюк Британия Бош вазир Ж. Мейжор Эрон Ислом Жумхурияти Президентини Хохимийи-Рафсанжонинга расмий мактуб йўллаб, Англия журналисти Жон Маккартинни озод этишга воситачилик қилганлиги учун унга миннатдорчилик билдирди. Франция ташқи ишлар вазирлиги эса Франция фуқароси Жером Лейронинг озод этилишида саъи-ҳаракат кўрсатган Ливан ҳамда Сурия ҳукуматларига миннатдорчилик из

ҳор этди. АҚШ президенти Ж. Буш америкалик Эдвард Трейси озод этилиши муносабати билан сўзлаб, бундай ҳақти-ҳаракатларни «ижобий йўл» деб атади.

АНГИЛИКЛАР ТЎЛКИНИДА

● ВЬЕТНАМ ҳукумати таркибда жиддий ўзгаришлар бўлиб ўтди. Бир йўла ҳукуматнинг олти вазирини алмаштирилди. Бундай ўзгариш Бош вазирликка Во Ван Киет тайинлангач рўй берди.

● 1951 ЙИЛДА Совет элчихонасининг Албания пойтахти Тиранадаги биносидан портлаш юз берган эди. Бунга даҳлдор кишилар сифатида ўша пайтда 22 киши қатл этилган эди. Ўзини Албания олий суди бу ишни қайта кўриб чиқиб, қатл этилганларни аябсиз деб топди.

● ҚЎВАЙТИНИНГ қочоқлар ҳамда бедарак йўқолганлар иши бўйича тузилган миллий комитети раҳбари Бадр ал-Амр Ирқоқ ҳаузагача қувайтлик 2,5 миң нафар қарбий асир



# «ЮЛДУЗ» САҲИФАЛАРИДА ЎЗБЕК ҚЎШИҚЛАРИ

«Юлдуз» рўномаси (деярли ҳар сонда) Афғонистонда яшовчи ўзбеклар томонидан қўйилган «Уланак» («Ер-ер») айтув ва ҳатто алла қўшиқлари матни чоп этилиши мени хурсанд қилди.

БИЗДА шундай одат бор: фақат бирор сана муносабати билангина тарихий шахсларимиз, классик шоиру алломаларимиз ижодидан намуналар чоп қиламиз. Хориждаги ватандошларимиз нашрида бу «анъана»га сира «ривож қилинмаган».

Улар имкони борича Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарларидан тез-тез ва кўп-кўп нашр қилиб туришар экан. «Юлдуз» ташаббуслари вақтларини вақтларини вақтларини вақтларини бунга тўла амин бўлдим.

ҚУИДА Афғонистонда чоп этилган, ўзбек фарзандларининг нашри «Юлдуз» рўномасида берилган айрим намуналар— ватандошларимиз «Уланак» («Ер-ер»)лари ва термалари (қўшиқ)дан баъзиларини араб имлосидан (аждодлар дастхатидан) кирилл алифбосига ўтириб, муштарийлар диққатига ҳавола қилишни лозим топдим.

Дилмурод САИДОВ.

«УЛАНАК» («ЕР-ЕР»)лардан

«УЛАНАК» (йор-йор) суруди Афғонистон ўзбекларида ҳам бор. Бу суруд (қўшиқ) ҳозир ҳам қиз тўй-

ларида, хотин-қизлар давраларидан Афғонистонда (йор-йор) сизда доира овози билан жўр суруди билан айтиладиган қилиниб айтади. Шимо-Уланаклардан:

Ер-ер десам ул ёрим келармикан ёр-ёр,  
Юракдаги зангларим кетармикан ёр-ёр.

Чинилдиғим чип-чинор, бўйинг чинор ёр-ёр,  
Бўйингга қўз тегмасин олай тумор ёр-ёр.

Офтобага сув қўйдим, тўлди-тошди ёр-ёр,  
Бегонага қиз бердим, олди-қочди ёр-ёр.

Тўйхонанинг ўтини арчамиди ёр-ёр,  
Келинжонди кўйлаги парчамиди ёр-ёр.

Тут ёғочга ип солиб, учган синглим ёр-ёр,  
Ховлинигизга гул бўлиб тушган синглим ёр-ёр.

Қат-қатгина қатлама қатланмиди ёр-ёр,  
Қизни олиб янгаси отланмиди ёр-ёр.

Қизни олиб янгаси тура-турсин ёр-ёр,  
Оқ сут берган онаси рози бўлсин ёр-ёр.

Узбек қўшиқларидан

Отангиз уч қиз бор,  
Ажаб-ажаб ноз бор,  
Биттасин кўриб эдим  
Сарин сарандозин бор.

Ултибидим йўлингга,  
Гулди бердим қўлингга,  
Ноз қилиб олдинг гулди,  
Қурбон бўлай бўйингга.

Этакдан келишингдан,  
Пўпақлик кавушингдан,  
Анганинг айналсин  
Қултайиб олишингдан.

Ошиқ бўлдим юзингга,  
Янги қаро кўзингга,  
Азиз жоним бераман  
Сени ширин сўзингга.

Олма бағри харосан,  
Хўй қиз, қаердан бўлсан?  
Майда-майда холинг бор  
Одамин кўйдурсан.



Шукур Солиҳович ИСАМУҲАМЕДОВ

1940 йилдан бери КПСС аъзоси, узоқ йиллар партия, совет ва ҳужалик ишларида турли раҳбар лавозимларида ишлаган, республика ақдмиятига молик пенсионер Шукур Солиҳович Исамухамедов 1991 йил 11 август кунини 82 ёшида вафот этди.

Ш. С. Исамухамедов ўз меҳнат фаолиятини 1936 йилда Тошкент тўқимачилик комбинатида иқтисодчиликдан бошлади. Шундан сўнг турли йилларда ЎзССР Давлат режа қўмитасида бўлим бошлиғи, Тошкент вилоят режа комиссияси раиси, ҳарбий шифохона комиссари, район ва республика ҳарбий комиссари, ЎзССР Вазирлар Кенгаши бўлим бошлиғи, Фарғона вилоятининг Фрунзе райони, Қўқон шаҳар партия комитетларининг биринчи котиби, Фарғона вилоят партия комитети котиби лавозимларида ишлади.

1957—1961 йиллар мобайнида Тошкент вилоят партия комитетининг котиби, Тошкент ва Урта Чирчиқ районлари партия комитетларининг биринчи котиби сифатида фаолият кўрсатди. Меҳнат фаолиятининг сўнгги йилларида «Ўзгавалегнабсоби» бош бошқармаси бошлиғи муовини вазифасини бажарди.

Бутун ташкилотчилик қобилятининг халқ фаровонлиги учун хизмат қилишга бағишлаган, Шукур Солиҳович Исамухамедов, катта ҳурмат-эътибор қозонганда, 1950—1962 йилларда ЎзССР Олий Совети депутати (учта чакирик), бир неча бар район, шаҳар ва вилоят партия комитетлари аъзоси этиб сайланган.

Унинг фидокорона меҳнатлари Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, бир қанча медаллар ва ЎзССР Олий Кенгаши Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган эди.

Шукур Солиҳович Исамухамедовнинг ёрқин хотираси уни билган, таниганлар қалбида абадий сакланади.

БИР ГУРУҲ УРТОҚЛАРИ.

# ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА

15 АВГУСТ СОАТ 18.30 ДА

Х. Х. НИЕЗИИ асари

## «ПАРАНЖИ СИРЛАРИ»

(2 ПАРДАЛИ ДРАМА)

СПЕКТАКЛИ БИЛАН

### 23-МАВСУМ ОЧИЛАДИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари, Ҳамаза номиданги Ўзбекистон ССР давлат мукофоти совриндорлари: Тўйчи ОРИНОВ, Обид ЮНУСОВ;  
Ўзбекистон ССР халқ артисти Пўлат САИДҚОСИМОВ.

Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артистлар: Раҳмонберди ЕЎҚУБОВ, Эркин КОМИЛОВ, Римма АҲМЕДОВА, Ноила ТОШКЕНБЕКОВА, Дилбар ИСМОИЛОВА;  
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндорлари: Саида РАМЕТОВА, Муножат ТЕШАБЕКОВА, Ҳошим АРСЛОНОВ;  
АРТИСТЛАР: Абдулазиз АБДУРАҲМОНОВ, Машрабхон ОРИНОВА, Дилбар ҚОСИМОВА, Махмуд ДУСМАТОВ, Матқуб МАТЧОНОВ, Гулбахор РАҲИМОВА, Азиза БЕГМАТОВА, Элёр НОСИРОВ, Доно БОБОҲОНОВА, Абзал РАФИҚОВ ва бошқалар.

Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист, Ҳамаза номиданги Ўзбекистон ССР давлат мукофоти совриндори Едгор САЪДИЕВ.

Саҳналаштурувчи режиссёр — А. ГАМИРОВ.

Театрнинг бош режиссёри — жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамаза номиданги Ўзбекистон ССР давлат ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори Б. Т. ИҶДОШЕВ.

Чипталар театр кассасида соат 10.00 дан 19.00 гача сотилмоқда.

Ҳамао бўлиб келиш учун аривалар қабул қилинади. Жавоб берувчи телефонлар: 44-56-52, 44-11-70.

## Ишчи-қашлоқ мухбирлари дорилфунунда



## РЎЗНОМАМИЗ ТАЯНЧЛАРИ

Маълумки, «Тошкент ҳақиқати» рўномаси ҳузурида 1961 йил ташкил қилинган икки йиллик ишчи-деҳқон мухбирлари дорилфунунини ўтган вақт ичиде 400 дан кўпроқ талаба битириб чиқди. Уларнинг айримлари шу кунларда рўнома, радио ва ойна-жаҳон тақдирлариде меҳнат қилишпкти. Қўплари омавий ахборот воситаларининг доимий таянчларига айланиб қолганлар.

Яқинда ишчи-деҳқон мухбирлари дорилфунунда навбатдаги ўқуа тугади. Бу гаг уни 17 икки битириб чиқди. Машгулотларин тақриблик журналистлар олиб боришди. Улар тингловчиларга рўномага хабарлар ёзиш, танқидий мақолалар тайёрлашда нималарга эътибор бериш ҳақида ўз тақрибларини ўргатдилар. Рўнома бўлимлари ишини ташкил этиш, меҳнат-кашлар хатпари билан ишлаш ҳақида етарли тасаввурга эга бўлдилар.

Сураткаш А. ТУРАЕВ.

## ОҲАНГАРОН ХАБАРЛАРИ

### ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА

«Голубая горка» номли кашшофлар оромгоҳи салқин, сўлим хибоблари, спорт майдончалари, дам олиш учун яратилган қўлайликлари билан кишини ўзинга жалб қилади. Бу ерга келган кашшоф ва ўқувчилар кўнгидагидай ҳордиқ-чиқариб кетишлари учун барча шароитлар мавжуд.

Оҳангарон нон маҳсулотлари комбинати ишчилари ҳам ёзи тағтилда дам олиш учун фарзандларини худди ана шу оромгоҳга юборишга қарор қилишди. Ҳозирда уларнинг 220 нафардан зиёд ўғил-қизлари «Голубая горка»да таътиллариини ўтказмоқдалар.

### «ЁШ ОИЛА» ХИЗМАТДА

Нўғайқўрғон қишлоғи ёнида янги савдо уйи қурилиб фойдаланишга топширилди. У ёш келин-куёвларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган. Харидорлар бу ердан ўзлари учун зарур бўлган турли ноёб молларни сотиб олишлари мумкин.

Янги савдо уйи «Ёш оила» деб номланди.

А. МАҲКАМОВ.

## ЯРМАРКАЛАР ЯНА БЎЛАДИ

Тошкентнинг Карл Маркс кўчаси дам олиш кунлари доим гавжум бўлади. Бу ерда турли тadbирлар, сайиллар ўтказиш анъанавий тус олган. Ҳатто ҳафта ҳам Карл Маркс кўчаси ва унинг ёнидаги хибоб кўчаларини ўзинга жалб қилди. Тошкент шаҳар агроноат бирлашмаси жамоаси бу ерда аҳоли учун меза-сабзавот ва полиз экнлари ярмаркаси уюштирди. Унда шаҳарнинг Фрунзе, Ленин, Чилонзор, Қўйишев, Собир Раҳимов, Ҳамаза, Ажмак Ибромов районлари улгуржи-чакана савдо идоралари ўз маҳсулотлари билан қатнашиб аҳолига хизмат кўрсатдилар.

Одамлар хизматимиздан анчи хурсанд бўлишди, — дейди Чилонзор район улгуржи-чакана савдо идорасининг сотувчиси А. Умурақов. — Қўйиллик ана шундай ярмаркалар тез-тез уюштирилишини сўраб, ушбу тadbир учун миннатдорчилик билдиришди.

Бу миннатдорчиликлар, албатта, ярмаркада хизмат кўрсатган хушсухан сотувчилар, район улгуржи-чакана савдо идоралари ходимлари, Тошкент шаҳар агроноат бирлашмаси жамоаси (хусусан, ярмарканинг уюштирилишида жонбозлик кўрсатган бирлашма чакана савдонини ташкил қилиш бўлимининг бошлиғи Убайдулла Саъдуллаев)га тегишлидир.

Ярмарка ўтказилишида дала меҳнаткашларининг хизмати катта, — дейди Киров район улгуржи-чакана савдо идорасининг директори Абдуваҳид Юсупов. — Идорамиз маҳсулотларини асосан Тошкент вилояти хўжалиқларидан олади. Янгиёул районининг «Коммунизм» жамоа хўжалиғи, Пискент районининг «Пискент», «XXVI партсезд» шўро хўжалиқлари, Ғалаба районининг «Огонёк» шўро хўжалиғи етиштирган маҳсулотлари ярмарканинг олди моллари қаторида бўлди.

Ярмарка бўлиб ўтган 3 кун ичиде сотувчилар ўз савдоларидан, харидорлар эса харидларидан мамнун бўлишди. Ярмарканинг уюштирилишидан мақсад эса айна шу эди.

Ш. АБДУШОҲИДОВА.



## ТАЪЗИМ

Оламини кўзларга кўрсатиб турди Висол онларида тиладинг иқбол. Тутан дилларимиз бўлди шуурли Минг куллуқ сенига ёй, сўлим мажнунтол. Шалола шохларинг силкитиб аста Интиқ юракларга мудоом қулоқ сол, Севги ришталарин айлаб пайваста Вафо, садоқатга тинисла бўлиб қол.

Санд ВАЛИ.

В. ТУРАЕВ сурат-лаҳаси.

## МУЗЕЙДА КЎРГАЗМА

Саноат шаҳри сифатида ривожланиб бораётган Чирчиқ шаҳрида қўшлаб истеъдодли мўйқалам соҳиблари жўшқин ижодий фаолият кўрсатмоқда.

Илланувчан бу ёш рассомлар асарларидан янги тайёрланган бадий экспозиция кўпчилиг эътиборини теъда ўзинга тортиди. Шаҳар ўлжашунослик музейида намоиш қилинаётган мазкур қизиқарли кўргазма экспонатлари орасида ранг-тасвир, графика ва акварель асарларига кенг ўрин берилди.

«Тонги гулдаста», «Емгир ташвишлари» каби картиналар ишлангани, композицион тузилиши билан ҳам ажралаб турибди.

Истеъдодли ҳаваскор рассомлардан А. Ҳолиқов, В. Елизаров ва бошқалар чизган манзаралар томошабинларга манзур бўлди.

А. АҚБАРОВ.

Мухаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати БИЗНИНГ МАНЗИЛҒОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Мухаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337918; маъсул котиб — 334808, 325353; маъсул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: мафкура — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиғи — 325647; санъат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти — 325733; иجتимоий масалалар — 325556; маданият — 325767; адабият ва санъат — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт — 325645; хатлар ва омавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан таълим берилган. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўнома офсет усулида А-2 форматда босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: 64872. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 21.50.